
Хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини оширишга қаратилган ўқув-семинар ўтказилди

Фурқат туманида “Хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини шакллантириш” мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Унда тумандаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаоллари иштирок этди.

Хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини оширишга қаратилган семинарда Ўзбекистон психологлар ассоциацияси аъзолари Гулнора Умарова ҳамда Зироат Деҳқонова қатнашиб, фуқаролар билан ишлаш жараёнида эътибор қаратиш зарур бўлган масалалар юзасидан маърузалар қилишди.

Семинар-тренингда хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини шакллантириш, фуқаролар билан ишлашда низоли вазиятларнинг олдини олиш, нотинч оилалар билан ишлаш, руҳий тушкунликка тушган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш каби махсус кўникмалар берилди.

Семинар-тренинг давомида хотин-қизлар фаолларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан тегишли жавоблар берилди. Ушбу савол жавобларда фаол қатнашган хотин-қизлар фаолларига сертификатлар топширилди.

2023-08-03 19:07:49